



# ОМИЛКОРЛИК ВА ТАШАББУС — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Касаба уюшма ташкилотлари ҳар бир жамоада юқори ишлаб чиқариш даражасига эришиш ва натижаларни ҳаққоний тақсимлашни масалаларини ўз ичига қамраб олган меҳнат маслаҳатлари тизимини жорий этиш ва жамоа шартномалари орқали иш берувчи ҳамда ёлланма ишчи ўртасидаги ўзаро замонвий, яъни ижтимоий шерикчилик таъминлашига асосланган муносабатларни босқичма-босқич ўрнатилишига эришишлари даркор.

Президентимиз Ислам Каримовнинг қурултойишга қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, меҳнат қонуни ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилишимиз, унда белгиланган барча чора-тадбирларни амалга оширилишига эришишимиз керак.

Вилоятда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда меҳнаткашларга ишда тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш, техника хавфсизлигини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо, тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, бу масалада ютуқларга нисбатан камчиликлар кўп.

Меҳнат муҳофазаси масалалари «Меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисида» қонун талаблари даражасида эмас, аксинча, баъзи жойларда ушбу масалага умуман эътибор берилмапти.

Туман марказий касалхонасида меҳнат шариоити зарарли бўлган 22 нафар тиббий ходимларга сут ва сут маҳсулотлари бепул берилётган бир пайтда Жондор автокорхонасида (касабақўра раиси Г.Асадов) меҳнаткашларга хавфсиз иш шариоитлари яратиб берилмаган. Хаттоки ушбу масала бўйича тегишли қонун ва барча мезъорий ҳужжатлар юзасидан ходимлар ўртасида тушунириш ишлари олиб борилмаган.

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қонун ва мезъорларини, меҳнат ҳақидаги қонуналикни бузганлиги ва ушбу ҳолатлар ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқаргани учун Кенгаш талабига асосан 23 та раҳбар ва

инженер-техник ходимлар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди, 26 киши маъмурий ва 50 киши интимиқ жавобгарликка тортилди.

Қурултойи касабанинг келгусидаги вазифаларини белгилаб бераркан, унинг устувор йўналишларидан бири — бозор иқтисодиётининг энг муҳим муаммоси — меҳнат бозори, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш масаласини олдинга сурди.

Бандлик дастури асосида ўтган йили вилоятда 1460 киши қайта ўқитилиб, янги касб эгаси бўлди. Улар ишга жойлаштирилди. Ишдан қисқартириш, янги иш ўринларини тайёрлаш масалаларида касабанинг муносабатлари ташкилот ва корхоналар билан биргаликда фаолият кўрсатаяптилар. Аммо, бу етарли эмас. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида вилоятда 2205 нафар ишсиз рўйхатга олинган, етарли даражада иш олиб борилмаганлигидан даража берилди.

Жондор туманида ҳам бу масалаларга эътиборни қўйиб қайта ишга жойлаштирилди. Ишдан қисқартириш, янги иш ўринларини тайёрлаш масалаларида касабанинг муносабатлари ташкилот ва корхоналар билан биргаликда фаолият кўрсатаяптилар. Аммо, бу етарли эмас. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида вилоятда 2205 нафар ишсиз рўйхатга олинган, етарли даражада иш олиб борилмаганлигидан даража берилди.

Меҳнат муҳофазаси масалалари «Меҳнатни муҳофазасида қилиш тўғрисида» қонун талаблари даражасида эмас, аксинча, баъзи жойларда ушбу масалага умуман эътибор берилмапти.

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қонун ва мезъорларини, меҳнат ҳақидаги қонуналикни бузганлиги ва ушбу ҳолатлар ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқаргани учун Кенгаш талабига асосан 23 та раҳбар ва

уларнинг ўқувини ташкил этиш, бошланғич касабани уюшма ташкилотларнинг ташкилотчилик ишларига эътиборни қаратиб, уларнинг меҳнат жамоаларидаги обрў-эътиборини ҳар томонлама оширишга эришишимиз лозим.

Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш, уларни қабул қилишни ташкил этиш тартибини мунтазам тақомиллаштириб боришимиз давр талабидир. Ҳар бир мурожаат, ҳар бир ариза эътиборсиз қолмаслиги, меҳнаткаш бизга ишониб мурожаат этар экан, унинг ишончини ҳар томонлама оқлашимиз, дардига малҳам бўлишимиз керак.

Федерация Кенгаши ижроия кўмитасининг Бухородаги сайёр йиғилишида фаолиятимиздаги нуқсонлар борлиги ошқорара таразда кўрсатиб ўтилган. Аниқланган камчиликларни таҳлил қилсак, улар кадрларимизнинг масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган. Бундай ҳолатлар Жондор туманида ҳам мавжуд. Ибн Сино номли, «Гулистон» ширкат ҳўжаликлари касабани уюшма кўмитаси раислари Алоийдин Одиллов, Фармон Йўлдошев, 10-мактаб касабани уюшма кўмитаси раиси А.Боймуродов, 6-мактаб касабани уюшма кўмитаси раиси С.Тўраевлар 10 йилдан ортиқ ишлаб келмоқдалар. Наҳотки, улар ўрнини босадиган ёш, билимли йигит-қизлар йўқ бўлса?

Касаба уюшма кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш борасидаги фаолиятимизни тақомиллаштиришимиз, раҳбар лавозимларга кўпроқ ёшларни, аёлларни тавсия этишимиз керак. Федерация Кенгаши ижроия кўмитасининг сайёр йиғилиши фаолиятимиздаги камчиликларни кўрсатиб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганлигимизни кўрсатди. Биз танқиддан тўғри хулоса чиқариб, меҳнаткашларни иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдаги ишчимизни ҳар томонлама яхшилашга ҳаракат қиламиз.

**Саида САЙФУЛЛАЕВА, Бухоро вилояти Кенгаши уюшмалари Кенгаши раиси.**

## Ижтимоий ҳимоя

**Шифохонамиз Урганч туманидаги Жалоловнинг Мангуберди номли жамоа ҳўжалиги ҳудудида 1979 йилда қурилган. Шу ернинг ўзидан қазиб олинган шифобахш сув турли хил минерал тузлар, йод, бромга тўйингани билан муҳимдир. Бу ерда ич касалликлари, неврология, физиотерапия бўлимлари ҳамда поликлиника хизмати мавжуд. Хоналар бир ёки икки беморга мўлжалланган. Физиотерапия хизмати бизда кенг миқёсда олиб борилади. Сув муолажасининг ўндан ортки тури, электр токи билан даволашнинг 25 тури мавжуд. Шунингдек, силжиган, синган суякларни ўрнига туширадиган бўлим ишлаб турибди.**

тонна бугдойни ана шундай оилаларга бўлиб бердик.

Касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, уларнинг болалари дамолишларини ташкил қилиш ҳам диққат марказида. 7 нафар шифокоримиз вилоятдаги ва марказий шифохоналарда дам олиб қайтишди.

Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан бу

ланиб қолмасдан, гиёҳлар ёрдамида, шунингдек, ёруғлик ва иссиқлик юборишининг турли хил усуллари ёрдамида даволанадилар.

50 ўринли шифохонамизда асосий диққат эътибор беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Ташкилий ишларнинг ҳаммаси касабани уюшмаси билан ке-

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ КўПАЙМОҚДА

Чирчиқдаги «Электромасана» бирлашмасида маъданли ўғитни истеъмолчиларга қўллаб-қўйиш муаммоси ҳал этилди. Бу ерда қисқа муддатда цехлардан бири замонвий жиҳозланди ва полипропилен қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган бир неча турдаги маъданли ўғит, жумладан, селитра ишлаб чиқарилади. Экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бироқ, уларни харидорбоп қадоклаш шун кунгача муаммо эди. Уларни валюта ҳисобига четдан сотиб олишга тўри келмаётган эди. Янги цехнинг биринчи навбати йилга икки миллион дона махсус қоп тикиб бериш қувватига эга.

**Полвонназир СОТЛИҚОВ, Хоразм вилояти 2-шифохона касабани уюшма кўмитаси раиси.**

# КўНГИЛ ГУЛДЕК НОЗИК

Етти гектар боғимиз бўлиб, унда турли хил мевалардан ташқари сабзавотлар, галла экинлари ҳам етиштирилади. Шунингдек, ярим гектарли иссиқхона кишин-ёзин ошхонамизни сабзавот билан таъминлаб туради. Богдан олинандиган даро-

мад махсус ҳисоб-рақамга тушади ва бу пуллар шифохона касабани уюшма кўмитаси қарори билан кам таъминланган, кўп бодали шифокорлар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига сарфланади. Яқиндагина боғимиз ҳудудида етиштирилган 1,5

ерда спорт зали ва майдончаси, дам олиш хоналари, шахмат-шашка зали, сузиш ҳавзаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, махсус ошхона ишлаб турибди. Бу ерда касабани уюшма аъзолари, беморлар имтиёзли нарҳда оқватланадилар. Беморлар фақатгина доридармонлар билан даво-

лишилган ҳолда олиб борилади. Бу эса жамоада қатъий интизом ва ушўқоқлини таъминлашга ёрдам бермоқда.

## Бола кулсин жаҳонда!

# ЁЗ СЕРМАЗМУН ЎТМОҚДА

**Болалар қандай дам олаётганликлари билан яқиндан танишиш мақсадида «Оқ ёлкан», «Нарғиз», «Чимён», «Бахт», «Ўзгал», «Гулзор», «Геолог», «Келажак», «Дўстлик», «Лола», «Бойчечак», оромгоҳларида бўлди.**



Очигини айтиш лозим, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вилоятимиздаги болалар оромгоҳларининг аҳолини кўриб қувонди. Номлари юқорида санаб ўтилган оромгоҳларнинг аввало жудаям баҳаво, жаннатдек ҳудудларда жойлашганлиги одамнинг ҳавасини келтиради.

Дам олаётган болаларнинг ҳар бир кунини сермазмун, кўнглиди ўтаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Биз борган кунимиз «Бахт» оромгоҳида 2-босқич очилиш кечаси бўлди. Бу ҳақиқий байрам тусини олди. Ўша кунни болаларнинг олам—олам қувончларини кўрдик. Ўн учинчи июл кунини эса «Келажак» оромгоҳида шу кунни тававалуд топан болаларнинг кутлаш байрамидида қатнашдик. Хуллас, қаерда бўлмайлик болаларга тайёрланаётган таомларнинг мазали ва тўйимли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Озиқ—овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, сариёғ, пишлоқ, тухум, мева—

«Маънавият ва маърифат» хонаси чиройли безатилган. Бу ерда тажрибали тарбиячилар билан турли қизиқарли суҳбатлар ўтказиб, сўнг уларнинг билими, қобилиятини текшириб кўриш мақсадида мини—тест ўтказишар экан.

Умуман оромгоҳларда хизмат қилаётган барча тарбиячи ва етакчиларнинг мутахассислиги педагог бўлиб, болалар билан ишлаш тажрибасига эга.

Ёш авлод соғлом ва бақувват вояга етса бизнинг энг катта бахтимиз шу. Бизни мамнун этгани соғломлаштиришга

лар ҳам талайгина. Масалан, кўпчилик оромгоҳларда ҳисоб—китоб ишлари, ҳўжатлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Шунингдек, молиявий танқислик туфайли маҳсулотлар турли—туманлигини таъминлай олмаётган оромгоҳлар ҳам бор. Таъмирга муҳтож, кроват, идеш—товоклари, стол—стуллари эскириб кетган оромгоҳларни ҳам учратдик.

Вилоятимиздаги оромгоҳларнинг кўпи Бўстонлик туманида жойлашган. Уларни озиқ—овқат билан Чирчиқ ва Фазалкент шаҳарлари таъминлайди. Биз оромгоҳларда Чирчиқ шаҳридан олинаётган озиқ—овқат маҳсулотларининг сифати унча яхши эмаслиги, нарҳлари эса юқори эканлигининг гувоҳи бўлдик. Аҳвол билан танишиб, оромгоҳларда хизмат қилаётганлар билан суҳбатлашиб, бизда шундай фикр пайдо бўлди: Оромгоҳларни мавсумга ошимдан аввал албатта оромгоҳ бошлиғи, тарбиячи ва етакчилар учун ўқитиш ташкил этиш лозим. Чунки тарбиячи ва етакчилар болалар билан қандай ишлашни билишлари лозим. Негаки, оромгоҳда ишлаш мактабда ишлашдан тубдан бўлмасда фарқи бор, албатта. Яна бир масала хусусида тўхталиш жоиз. Вилоят касабани уюшма кўмиталари мутахассислари ҳўжатларни юртида оромгоҳ ходимларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

**Т.СОТИБОЛДИЕВА, Тошкент вилояти касабани уюшмалари Кенгашининг бўлим бошлиғи ўринбосари.**

## ЙўЛИНИ ТОПГАН ЙўҚОТМАЙДИ

Китоб туманидаги Шодмон Умаров номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари сердормад тармоқ бўлган сабзавотчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришмоқда.

Ўтган йили улар 18 гектар тепалик майдонларини ўзлаштириб сабзавот уруғи қадашиб, 2 миллион 113 минг сўм фойда олишганди.

Жорий йилда ҳўжалик сабзавоткорлари ер майдонини яна уч баробар кенгайтириб, 12 нафар пудратчига бўлиб берилди.

Улар Шаҳрисабз очик ҳиссадорлик консерва заводида 1660 тонна сабзавот етказиб бериш бўйича шартнома тузди. 30 фоиз аванс пули ҳам олишди. Ҳўжалик бу соҳадан қарийб 6 миллион сўм фойда олишни кўзлаб, барча куч ва имкониятларини ишга солимоқда.

Хозирги вақтда дастлабки сабзавотлар териб олиниб консерва заводида топширилмоқда. Бу борда Максуд Шарипов, Қилич Раимов, Парда Шероф, Абдирасул Мавлонов каби оилавий пудратчилар намунали меҳнат қилишаётир. Сабзавоткорлар қурғоқчилик йилида ўсимликларни «шарбат» билан сугоришиб, чўқур тупроққа бостириш йўли билан намини узок вақт сақлашга эришмоқдалар.

**Хайрулла ТўРАЕВ.**

## «УЧАР ШИФОХОНА»

қаратиб, биринчи навбатда даволаш курсини тўлашга қурби етмайдиганларга ёрдам кўрсатади.

Самолёт бортда кунига тўртта жарроҳлик муолажаси ўтказилади. Бундан ташқари, 2-3 нафар ОРБИС мутахассиси Республика кўз касалликлари шифохонасида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда ишламоқда. Охириг икки ҳафта давомида ОРБИС мутахассислари 50 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатишди.

Самолёт Тошкент халқаро аэропортида 11 августгача ўз ишини давом эттиради. Саволлар билан ОРБИСнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакили Дарси Гудвинга 120-74-89 телефони орқали мурожаат қилиш мумкин.

## КИТОБЛАР БОЗОРИ ГАВЖУМ

Йигирманчи асрнинг охириг ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бу йил Қорақалпоғистондаги 762 та умумтаълим мактабларида 375 минг нафарга яқин ўғил-қиз таълим тарбия олади. Улардан салкам 34 минг нафари биринчи марта мактаб парталарига ўтиради. Бу ўғил-қизларни ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман ва рус тилларидаги юздан зиёд дарсликлар билан таъминлаш мақсадида «Қорақалпоқкитоб» ҳиссадорлик жамияти ва «Билим» нашриёти томонидан Нукус шаҳрида «Китоблар бозори» савдо кўргазмаси ташкил қилинди. Бозорда 2-11 синфлар учун умумий баҳоси 10 миллион сўмлик бўлган 42 номдаги дарсликлар, ўқув қуроллари сотилди.

Бундай китоб бозорлари Қорақалпоғистоннинг барча шаҳарлари ва туман марказларида ташкил этилмоқда.

(ЎЗА)

## Қурилишлар ўлда-жўлда

Масалан, шу давр мобайнида 113 та маъмурий хизмат шохобчаси, 5672 кв.м савдо растанлари, 400 минг кв.метрга яқин турар жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб умумий оқватланган тармоқлари қад ростлади.

Афсуски, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига эътибор ҳамма ерда бирдек эмас. Баъзи туманларда бу ишда сустхалликка йўл қўйилаётгани кишини ўйга толдиради. Ҳўш, нима сабабдан бу борада белгиланган режалар

## Қурилишлар ўлда-жўлда

бажарилмаётир? Очигини айтганда айрим шаҳар ва туман раҳбарлари қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш масаласига етарли эътибор бериб қўрмаган. Шу боис 2000 йилнинг қарийб ярми ўтгунга қадар туманларда қишлоқ ҳақимлик пункти фойдаланишга топширилмади, ҳисоб. Холбуки, ўтган йилнинг шу мuddатида Бағдод, Данғара ва Олтиариқ туманларида ана шундай тиббиёт масканлари ишга туширилган эди.

## Ҳақли эътироз

Бозорлар сероблиги маъмуричилик белгисидир. Улар қанча обод бўлса олувчи учун ҳам, сотувчи учун ҳам шунча яхши. Қолаверса давлат

## Ҳақли эътироз

манлариде аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қўзланган қурувлар ётқизиш ишлари қониқарсиз.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Вилоятда беш ойга мўлжалланган юмушлар атиги 23,8 фоизга бажарилди. Буниси ҳам майли, Бағдод, Бувайда, Данғара, Сўх, Учқўприк, Ёзёвон туманларида эса режа 10-20,6 фоизда қолиб кетди. Бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда савол пайдо бўлади: бу кетишда бошланган қурилишлар қачон охирига етади?

**А. ТўХТАСИНОВ, Р.АБДУЛЛАЕВ.**

## Балойи нафс

Хоразм вилояти «Агрокимётаъминот» корхонасининг ҳўжалик ишлари мудирини Қурбонбой Жуманиёзов эса шу корхона бош иқтисодчиси Рустам Файзуллаев билан жинорий тил бириктириб 2000 йил 3 июлда берилган ишончнома билан Шовот тумани «Агрокимётаъминот» корхонасида олинган беш тонна шакарни йўлқўлак «сув» қилмоқчи бўлганида қўлга тушди.

Солиқчилар ишининг белига телишмаганида Қурбонбой «операция»дан анчагина бойиб қоларди. У шакарнинг ҳар килограмминини кўтарасига 250 сўмдан олувчи харидорини ҳам топиб қўйган эди. Урганчлик пихини ёрган тижоратчи Гулчера Маткаримова шакарни хуфя жойга тушириб эндигина пулни Қурбонбойга санаб бераётган пайтда солиқчилар назорат текшируви этида қилдилар.

Халқ ризиқини қийиб ўз чўнтагини пулга қаппайтирмоқчи бўлган «раҳбарчи» Қурбонбой Жуманиёзов ва унинг ҳамтовоғи Рустам Файзуллаев устидан қўзғатилган жинорий иши туфайли ҳозир тўғроғ ҳаракатлари олиб борилапти. Шундай ҳолатларни қўргандан кейин ўш манфаатини эл манфаатидан устун қўювчи раҳбарларга нисбатан нафратинг ўн чандон ошиб кетади.

**Ж. НОСИРОВ.**

## ХУФЯ ЦЕХ

Олғирликда Жиззах вилояти Янгиобод тумани давлат мулкани босқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш палатаси бошлиғи Бахтиёр Шодиевнинг олдида тушадигани йўқ, дейишганида ишонмаган эдик.

Бахтиёр каттагина идоранинг бошлиғи эди. Маоши ўзига етарли, тағида машинаси, обрўси босқарликнидан кам эмасди. Юлғинлиги сабаб бўлди-ю бир зумда ҳаммасидан айрилди қўйди. У туманда фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда спиртли ичимликлар сотиш учун рўхсат бериш учун 14 нафар фуқародан 35 минг 575 сўм йиғиб олган эди. Қундалик чакана харажатлар учун шу пулдан оз-оздан ишлатиб қисқа вақт мобайнида 16 минг 475 сўмни жийлдонидан ўтказиб юборибди. Бу вилоят солиқ ҳиссадаги ҳўқуқ бузилишларига қарши тезкор курашиш босқармаси ходимларининг текширувидан сўнг маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят Кодексининг 167-моддаси биринчи қисми билан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг юлғич обғи қуй-

# Саволларга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премкулов жавоб беради

(Давоми. Боши ўтган сонда)

## 12. Фуқаро неча ёшдан кейин ишга жойлашиши мумкин эмас?

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1X боши Ўзбекистонда инсонларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, 37- моддада ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканликлари мустақамлаб кўйилган.

Этибор берган бўлсангиз қайд этилган моддада «ҳар бир шахс» дейилган ва ҳеч қандай ёш белгилаб берилмаган. Демак, ишга жойлашишда шахснинг максимал ёшига доир чеклаш йўқ. Масалан ҳал этишда ишга жойлашмоқчи бўлган шахснинг меҳнат қобилияти ва саломатлиги асосий омилдир. Шунинг учун ҳам Меҳнат Кодексининг 77- моддасида ишга қабул қилишда талаб этиладиган ёшни минимал кўрсаткичи белгилаб кўйилган (11- саволнинг жавобига қараганг).

## 13. Корхонанинг раҳбари ўз фарзандини ёки жинини шу корхонага ишга қабул қилиши мумкинми?

Йўқ. Чунки, айни пайтда масаланинг моҳиятига корхонанинг мулк формаси ва раҳбар билан ўғлининг меҳнат муносабатларида ўзаро қандай вазиятда бўлишларига боғлиқлиги ўз таъсирини ўтказиши.

Меҳнат Кодексининг 79- моддасида ўрнатилган тартибга биноан ўзаро яқин қариндош ёки қандайдир бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингил ва ўғил қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) агар улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлсалар, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари йўқ кўйилмайдми. Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарори билан тасдиқланган бўлиб ўн олтита ҳолатдан иборат Рўйхат берилган.

Шундай қилиб, юқоридагидан ҳулоса қилиш керакки, агар раҳбар давлат корхонасига раҳбарлик қилаётган бўлса ва унинг ўғли меҳнат муносабатида отасига бевосита бўйсунадиган ёки бевосита унинг назоратида бўладиган бўлса саволга «йўқ» деган жавоб бўлади. Агар улар бир бирларига бевосита бўйсунмайдиган ишларда ишласалар саволга «мумкин» деган жавоб бўлади. Раҳбар давлат корхонасига эмас, балки мулкчиликнинг бошқа формасига асосланган корхонага (масалан ҳусусий корхонага, жамоа (коллектив) корхонасига, давлат тасарруфига бўлмаган Акциядорлик корхонасига ва ҳ.к.) раҳбарлик қилаётган бўлса, унда юқорида айтилган 79- моддадаги чеклашлар буларга татбиқ этилмайди. Демак, бу корхоналарда ота ўз ўғлини ишга қабул қилиши мумкин.

Энди юқорида айтилган Рўйхат ҳақида. Унда қуйидагилар ўз аксини топган:

- а) хориждаги дипломатик хизмат ходимлари;
- б) давлат қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ жойларидаги қишлоқ ҳўжалиги бўйича мутахассислари;
- в) темир йўл транспортининг линия корхоналари ходимлари, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» дав-

лат акционерлик компаниясининг йўл, қурилиш-монтаж ва кўприксолик поездлари, механизациялашган колонналари ва бошқа ҳаракатланувчи тузилмаларнинг ходимлари, бу корхоналар ва ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;

г) алоқадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари;

д) соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика ва санитария-профилактика муассасаларининг шифокорлари;

е) барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва клубхоначилар;

ж) театрлар, бадий жамоалар ва студияларнинг артистлари, рассомлари ва музикачилари;

з) илмий муассасалар ходимлари, шунингдек сейсмик станциялар ходимлари;

и) дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалари ходимлари;

к) қишлоқ жойларида ишлайдиган ўрмон ва сув ҳўжалиги мутахассислари, халқ таълими ходимлари, тиббиёт ходимлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари;

л) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги фойдаланишни амалга оширувчи йўл ташкилотларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;

м) қурилиш-монтаж ва кўприксолик поездлари, механизациялашган колонналари ва бошқа кўма махсус қурилиш тузилмаларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;

н) сув ости флоты кемаларининг сузувчи тарихи ходимлари ва сувдаги транспортдан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;

о) магистрал трубопроводлар қурилиши ҳамда нефть ва газ конларини тартибга келтиришни амалга оширувчи қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа иқтисодлаштирилган бошқарма ва участкаларнинг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;

п) ҳавза ва қўллардаги балиқчилик ҳўжаликлари, балиқчилик заводлари, балиқлар урчиши ва уларни ўстириш ҳўжаликлари ва балиқларни озиклантирадиган жойларнинг ходимлари, бу корхоналарнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.

Юқорида келтирилган Рўйхатдагиларга ҳам 79- моддадаги чеклашлар татбиқ этилмайди.

## 14. Корхона бош бухгалтерининг ўғли омбор мудири бўлиб ишлаши мумкинми?

Бу масални ҳал этиш учун ҳам 13- саволнинг жавобидан келиб чиқиш керак бўлади. Яъни, корхона давлат корхонаси бўлса ва омбор мудири меҳнат муносабатларида бош бухгалтерга бевосита бўйсунса ёки бевосита назоратида бўлиши керак бўладиган бўлса, у ҳолда мумкин эмас. Аксинча бўлса, ёхуд корхона давлат корхона-

си бўлмаса, у ҳолда мумкин. Келинг, шу ҳолларни мисолларда кўриб чиқайлик.

Омбор - бевосита корхона бўйича омбор эмас, балки бирон бир цех ёки участка омбори бўлсин. Бу цехнинг ёки участканинг бошлиғи бор. Бош бухгалтер эса корхона бўйича бош бухгалтер. Бу ҳолда цех ёки участка омбори мудири бевосита шу цех ёки участка бошлиғига бўйсунди. Шунинг учун бу омборда корхона бош бухгалтерининг ўғли мудири бўлиб ишлаши мумкин. Энди, омбор бутун корхона бўйича омбор бўлса, у ҳолда омбор мудири бош бухгалтерга бевосита бўйсунди, шунинг учун уларни бирга ишлашига йўл қўйилмайди.

Иккинчи мисол. Корхона давлатга қарашли бўлмаган, айтилган маъсулияти чекланган жамият туридаги корхона бўлсин. Бундай корхоналарга Меҳнат Кодексининг 79- моддасидаги чегаралашлар татбиқ этилмагани сабабли уларнинг биргаликда ишлашлари рухсат этилади.

## 15. Иккинчи гуруҳ ногирони ишга жойлашиши мумкинми?

12-саволнинг жавобида айтилганидек Конституциямизнинг 37- моддасида ҳар кимга меҳнат қилиш ҳуқуқи қасқаланган бўлиб меҳнат қилиш мажбурий эмаслиги қайд этилган.



Республикамиз собиқ иттифоқ таркибиде бўлган даврдаги қонуларда ижтимоий меҳнат қилиш мажбурий бўлганини ва бундай меҳнат билан банд бўлмаган шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин бўлганини яхши биламиз. Мана шу жавобгарликка тортилмасликларни унун ўша даврда бирон бир ходим у ёки бу сабабларга қўра биринчи ёхуд иккинчи гуруҳ ногирони деб топилганларида ТМЭК (тиббий меҳнат эксперт комиссиялари) томонидан уларга «Меҳнатга нолойиқ» деган ҳулоса берад эдилар. Ҳозирги қонуничилигимиз меҳнат қилиш ихтиёрий эканлиги ва ижтимоий меҳнатда банд бўлмаганлиги унун жавобгарлик назарда тутилмаганлиги сабабли ТМЭКлар бу тажрибалардан воз кечишлари мақсадга мувофиқ. Чунки, менинг тушунам бўйича «меҳнатга нолойиқ» бўлиш мумкин эмас. Инсон борки, у маълум бир меҳнатга, қайсидир даражада жисмоний ёки ақлий меҳнатга лойиқ бўлади. Агар ногирон қайсидир ишни (боринги, ўзи бажариб турган ишнинг ҳам била қўлсин) бажаришга саломатлиги туфайли нолойиқ бўлса, у қайсидир бошқа ишни бажара олади. Масалан, токар ишлаб турган вақтида бармоқлари станокка қириб кетиб жароҳат олди, дейлик. Натияжада унинг иккита бармоғи кесиб ташланди ва у ТМЭК томонидан иккинчи гуруҳ ногирони деб топилди. Савол туғлади, нима энди у батамом меҳнатга нолойиқми? Йўқ албатта. У айнан мана шу тоқорликда ишлаш олмасда-да бошқа ишда ишлаши мумкин. Шунинг учун ТМЭКлар шахсга, меҳнат қилиш борасида ўз ҳулосаларини бераётганларида масалага объектив ёндашишлари керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижримоий ҳимоялаш ҳақида»ги қонунда бу масалага батафсил тўхталадиган бўлиб, унинг бешинчи боби ногиронларнинг меҳнатига бағишланган. Шу қонуннинг 28- моддасига биноан ногиронларни ижодий ва ишлаб чиқариш қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамда соғлиқни тик-

лашнинг яқка тартибдаги дастурларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат шартлари одатдаги бўлган корхоналарда, ногиронлар меҳнати қўлланяладиган иқтисодлаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлаш ҳуқуқи таъминланган. Ногирон билан у ногиронлиги сабабли меҳнат шартномасини тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилганга, унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ишловчиларнинг жами сони 34 кишидан кўп бўлган корхоналарда умумий иш жойининг 3 фоизи микдорда ногиронларни қабул қилиш учун квоталаниб қўйилиши мумкин.

Қонуниликда ногиронларнинг меҳнати қўллайдиган корхоналар учун маълум имтиёزلар ҳам белгиланган.

## 16. Қайси ҳолларда иш берувчи ишга қабул қилиши рад этиши шарт?

Қонуниликда ишга қабул қилишнинг бир қатор чеклашлари мавжуд бўлиб, улар ҳам иш берувчи учун ва ишга кирмоқчи бўлганлар учун мажбурийдир.

Ишга жойлашмоқчи бўлиб мурожаат қилган шахс ўн тўрт ёшга тўлмаган бўлса уни ишга қабул қилиш рад этилади.

Меҳнат Кодексининг 225- ва 241- моддаларига биноан нуқулай иш шартларида аёллар ва ёшларни ишла-тиш ман этилади. Бундай ишларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1996 йил 2 апрелда тасдиқланган, улар учун кўтариш ёки ташқиш мумкин бўлган оғир юкларнинг рўйхати эса Республика Бош санитария ҳақими томонидан 1996 йил 19 мартда тасдиқланган. Мана шу рўйхатда кўрсатилган ишларга жойлашмоқчи бўлиб аёл ёки ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс мурожаат қилса, иш берувчи уларни ишга қабул қилиши рад этиши керак.

Ишга қабул қилишда шахс ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса ва унинг ишга жойлашиши учун ота-онасининг (уларнинг ўрнини босувчининг) бирининг ёзма равишдаги розилиги бўлмаса ишга қабул қилиш рад этилиши керак.

Давлат корхоналарида ўзаро яқин қариндошлиги ёки қандайдиги бўлган шахсларни бирга хизмат қилишлари (башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсунса ёки назорати остида бўлса) мумкин бўлмаганлиги сабабли, шу корхонада ишлаб турган ходимнинг бирон бир қариндоши ана шундай ишни сўраб келса унга ҳам рад жавоби берилади.

Муайян ишни бажариш ёки лавозимни эгаллаш учун қонуниликка биноан маълум бир ҳужжат талаб этилса-ю ва ишга жойлашмоқчи бўлган шахс шундай ҳужжатни тақдим этмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилиши рад этади.

Суднинг ҳукмига биноан ишга жойлашмоқчи бўлган шахс у ёки бу лавозимни эгаллаши, ёхуд вазифани бажариши таққиланган бўлса, унга ҳам шу турдаги ишга киришга рухсат этилмайди.

Иш берувчи саломатлигига тўғри келмайдиган ишга ёки қонуниликда назарда тутилган ҳолларда мажбурий дастлабки тиббий кўриқдан ўтмаган шахсларни ҳам ишга қабул қилишни рад этиши шарт.

Корхонада ички локал ҳужжатлар билан (масалан, жамоа шартномаси ёки Ички меҳнат тартиби қоидалари) ёки иш берувчининг буйруғи билан шу корхонада муайян лавозимларни ўриндошлик асосида эгаллаш чегараланиб қўйилган бўлса ва ишга кирмоқчи бўлган шахс айнан шу лавозимга шу тартибда (яъни ўриндошлик асосида) ишга жойлашмоқчи бўлса, уни ишга қабул қилиш рад этилади.

(Давоми бор).



**Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида**



## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

Жазирама ёз кимлар учундир дам олиш, сайёҳатлар фасли бўлса, айрим ота-оналар учун беором, беҳаловат дамлар ҳисобланади. Ўғил-қизлари олий ўқув юртларига қирувчи аксари-ят кишилар бундай пайтларда тест синовларига болаларини тайёрлаш учун репетиторлар ёл-лаш ҳаракатига тушадилар. Аммо фарзандлари бизнинг лицейда таълим олаётган ота-оналар бундан мустасно, улар кўнгиллари тўқ, хотиржам, мириқиб дам олишлари мумкин. Чунки иқтидорли ўқитувчилар, профессор ва фан номзодлари қўлида таълим олган ёшлар ҳеч қандай қийинчиликсиз хоҳлаган институтларга ўз билимлари билан кирадилар. Ўтган ўқув йилида лицейни тугатган 126 нафар ўқувчидан 112 нафари талаба бўлганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Уларнинг 45 нафари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, 42 нафари Молия институтига таҳсил олишмоқда. Шунингдек, бир қатор ўқувчиларимиз Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Миллий, Жаҳон тиллари университетлари, Юридик институти талабалари сафига қўшилдилар.

1997 йилдан фаолият кўрса-

таётган лицейимизнинг асосий вазифаси иқтисодчи ва солиқ соҳасига қизиқувчи иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг интилишларини камол топтириш, ҳамда олий ўқув юртларига кириш учун махсус тайёрларликни амалга оширишдан иборат. Мавжуд 12 та синфда 250 га яқин ўқувчи таълим олапти.

Ўқув даргоҳимизда чет тили, математика, информатика фан-

## БИЗНИНГ БИЛИМДОН ВОРИСЛАР

лари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Ҳар бир синф кичик гуруҳларга бўлиниб, машғулотлар вазирлик тасдиқлаган ўқув дастури асосида олиб борилади. 2 та компьютер хонаси, 8000 китоб фондига эга бўлган кутубхона, «Маънавият ва маърифат», Ҳарбий қақирувга тайёрлаш хоналари ўқувчилар эҳзаматида. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лицейимизда ўқув жараёни юқори даражада ташкил этилган.

Ўқув масканимизда педагог-

мураббийларимиз ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини уйғотиш борасида турли илғор тажрибалардан фойдаланиб, катта муваффақиятларга эришяптилар. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли дарслар сифати юқори даражада бўлиб, ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириш жараёнилари доимо эътиборда. Қўшимча дарслар ўз самарасини бермоқда. Бир сўз билан айтганда масканимизда ўқиш жараёни маромига етказилган.

Баъзи ўқувчиларнинг у ёки бу фандан «оқсаётгани» сезилса, мураббийларимиз уларнинг иззат-нафисига тегмай, оёкка туриб олишига кўмаклашади. Шу жойда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз деб биламан. Ўқувчиларимиз бир-бирларидан ўзиш учун ўзлари сезмаган ҳолда мусобақалашадилар.

Ёшлик ғайрати, Ватан муҳаббати ўқувчиларимизга қанот бахш этмоқда.

Жамоамиз эса ҳар томонлама билимдон, маънан баркамол, миллат, халқ ишига садоқатли ёшларни тарбиялашни муқаддас бурчлари деб ҳисоблайдилар.

**Муроджон ШОРАҲИМОВ,**  
Тошкент Молия институти қошидаги солиқ лицейининг директор мувини.

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Нуқусдаги «Прогресс» тил ўрганиш марказида аҳолига микрокредитлар ажратиш масаласига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда ноҳус экологик муҳитдаги Оролбўйи ҳудуди аҳолисида БМТ ва бошқа хорижий нодавлат ташкилотлари, жамғармалари томонидан берилётган имтиёзли микрокредитлар кам таъминланган оилалар иқтисодини яхшилаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга амалий ёрдам бераётгани, бундай кўмаклар микдорини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда Жаҳон ва Осиё тараққиёт банклари, Оролни кўтарган халқаро жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси вакиллари сўзга чиқиб, микрокредитларни олиш, ундан самарали фойдаланиш бўйича ўз фикрларини билдирди. Ҳисобларга кўра, йил охиригача микрокредит олувчилар сони 500 нафардан ортади.

## «УМИД ГУЛШАНИ» ЧОРЛАЙДИ

Мевали ва манзарали дарахлар билан куршалган, Қибрай туманининг энг баҳаво гўшасида жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли мазкур сиҳатгоҳ жорий йилнинг февралда иш бошлади. Гинекологик-андрологик йўналишдаги шифо масканининг майдони 6 гектарни ташкил этади. У энг замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Бу ерга умид билан келадиган кишиларнинг кўпчилиги юқори малакали шифокорлар кўригидан ўтиб, тегишли муолажаларни олиб, фарзанд-

ли бўлиш бахтига мушарраф бўлмоқдалар. Шарт-шароитни янада яхшилаш, қўшимча биналар қуришишлари давом этмоқда. Хусусан, Мустақиллик байрами арафасида икки қаватли даволаш ва ташхис бўлимини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ишни маромига етказиб балоқмоқдалар.

туширилиши кўпчиликини қувонтирди, - дейди шифокор-андролог Шоқиржон Ашуров, - Айниқса ултраовуш, парафин, балчиқ, минерал сув билан даволаш ўзининг қутилган самарасини берапти. Турли гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар ҳам асқотмоқда. Яна бир қулайлик: аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Турли соҳа кишилари катнаб ўз саломатликларини мустақамламоқдалар.

— «Умид гулшани»нинг ишга Сиҳатгоҳга энг тажрибали,

**Акмак АЛЛАМУРОДОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.  
Суратларда: Сиҳатгоҳдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Улар футболмиз келажаги

МАЙДОНДА - МАХАЛЛА БОЛАЛАРИ

Маълумки, иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси иккинчи сессиясида давлатимиз раҳбари спортнинг ҳаётимиздаги муҳим ўрнини алоҳида таъкидлаган ҳолда «Пахтакор» жамоасининг аввалги шухратини тиклаш зарурлигига эътиборни қаратган эди.

Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан руҳланган «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси хайрли ташаббусга қўл урди. «Ёшлар» телеканалининг «Давр» кўрсатув ижодкорлари ҳам бундан четда қолмадилар. Авваломбор, пойтахт ёшларини спорт орқали бир-бирларига яқинлаштириш, уларнинг соғлом, баркамол ўсишларини таъминлаш, қолаверса, болажонларимиз орасидан ёш истеъодларни саралаб, севибли жамоамиз «Пахтакор»га муносиб ўринбосарлар этиб тайёрлаш мақсадида 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Биз — Пахтакор» келажакимиз» деб номланган турнир ташкил этилди.

Биз мусобақаларнинг бевосита шохиди бўлиш, беллашувларнинг қай тарзда ташкил этилганлиги, турнир хусусидаги мураббий ва ўсмирлар фикрлари билан яқиндан танишиш мақсадида Чилонзор туманидаги «Чилонзор» стадионига бордик.

Шу кун бу ерда турнирнинг туман босқичи финал беллашуви ўтказилаётган, унда Хайрробод маҳалласининг «Хайрробод» ҳамда Шарқ маҳалласининг «Шарқ» жамоалари голиблик учун кураш олиб бораётган экан. Фурсатдан фойдаланиб, «Хайрробод» маҳалласининг оқсоқоли Ислом Исроиловни суҳбатга тордик.

— Маҳалла ўсмирлар жамоалари ўртасида мусобақалар ташкил этилаётганлигини эшитиб, дарҳол жамоа тузишга киришдик, — дейди у. — 200-мактаб спорт майдончасида машғулотлар олиб бориб, энг кучли 15 нафар ўсмирни саралаб олдик. Бу ишларда бизга мактабнинг жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим ўқитувчилари Ж.Урлобев ва Т.Халиловлар яқиндан кўмак беришди.

— Бизнинг маҳалламизда эса 14 ёшгача бўлган ва ундан катталар ўртасида иккита жамоа тузилди, — дея суҳбатга қўшилди «Чилонзор» маҳалласи котиби Абдусаттор Абдухалилов. — Болалар ўртасида турнирға қизиқиш катта. Ниятимиз ушбу мусобақалар аъъанавий бўлиб қолса.

«Шарқ» жамоаси ярим ҳимоячиси Умид Саматов эса ўз дил истакларини куйидагича баён этди: — Таътил пайтида зерикиб юрган биз каби болаларни жамлаб футбол жамоалари тузган мураббийлар оқсоқолларга, шунингдек, мусобақаларнинг бевосита кузатган ҳолда турнир давомида кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этдилар. Шундан сўнг маълум бўлади.

беллашувлари «Чилонзор» ва «Истиқлол» стадионларида ўтказилмоқда. 13 август кун эса «Жар» спорт марказида мазкур мусобақаларнинг ярим финал ва финал бахслари бўлиб ўтади. Шаҳар чемпиони бўлган жамоа республика миқёсидаги мусобақаларда қатна-

беллашувлари «Чилонзор» ва «Истиқлол» стадионларида ўтказилмоқда. 13 август кун эса «Жар» спорт марказида мазкур мусобақаларнинг ярим финал ва финал бахслари бўлиб ўтади. Шаҳар чемпиони бўлган жамоа республика миқёсидаги мусобақаларда қатна-

Биринчидан, турнир деярли ҳамма туманларда кўтаринки руҳда ўтди. Мусобақаларнинг ташкилий томонларига эътироз йўқ. Шаҳар спорт кўмитаси йўриқчилар, ҳакамлар, футбол майдонлари билан таъминлади. «Пахтакор», «Жар», «Истиқлол», «Чилонзор», «Ёшлик» каби замонвий йирик ўйингоҳлар ўсмирлар ихтиёрига бериб қўйилди. Оммавийликка эришилди. Энг муҳими, спорт мактабларининг мураббийлари, мутахассислар ўйинларни бевосита кузатган ҳолда турнир давомида кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этдилар. Шундан сўнг маълум бўлади.

...Келажакка мўлжалланган режалар бисёр. Хусусан, турнирда қатнашмаган, янгидан тузилаётган командаларни ҳам жалб этган ҳолда маҳаллалар ўсмирлари ўртасида шу йилнинг октябр-ноябр ойларида «XX аср голиблари» мусобақалари ўтказилади. Бундан ташқари, келаси



килиб чиққан ҳолда маҳалла оқсоқоллари, ҳакамлар, мутахассисларнинг тавсияларига биноан қирқ нафарга яқин энг истеъодли ўсмирлар «Пахтакор» махсус футбол мактаби ҳамда бошқа бошланғич футбол даргоҳларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар. Улардан синов имтиҳонларини «Пахтакор» фахрийлари қабул қилади. Ушбу ёш талентлар келгусида ўзбек футболнинг ҳақиқий юлдузлари бўлиб өтишса, ажабмас.

Яна шуни маълум қилиш кераки, айни кунларда барча туманларнинг голиб жамоалари ўртасидаги шаҳар миқёсидаги учинчи босқич йили 9-12 ва 13-16 ёшдаги ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказиш режалаштирилган. Ушбу хайрли ташаббус вилоятларга ҳам қанот ёзади.

Ўзбек футболининг фахри бўлими «Пахтакор»нинг энг маҳоратли ўйинчилари маҳаллалардан тўп тепиб ўсиб-унган. Айнан улар юртимиз футболни шухратини оламга ёйган. «Биз — Пахтакор» келажакимиз» турнирининг ана шу шонли аъъаналаримизни тиклашига ишончимиз комил.

Дилшод ИСРОИЛОВ. Т.НИГМАТУЛЛИН олган суратлар.

Касаба уюшма спорти

ИШЧИ МАҲОРАТИ

Наманган вилояти касаба уюшма тармоқ кўмиталари ташаббуси билан жойларда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Хусусан, яқинда Қосонсой шахридаги «Қосонсой» болалар дам олиш маскани спорт мажмуида уюштирилган. Мебель санвати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг Соғлом авлод йилига бағишланган спартакиадаси гоят қизиқари ва мурасаси курашлар остида ўтди. Энгил атлетика, стол тенниси,

шахмат-шашка, мини футбол беллашувлари ҳамда оилавий мусобақаларда вилоятдаги 17 корхона ва ташкилотдан 400 дан ортиқ ҳаваскор спортчилар иштирок этдилар. «Қосонсойтехмен» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари энгил атлетика, «Намангантекстиль» ҳиссадорлик жамияти вакиллари шахмат-шашка ва оилавий мусобақаларда, Қосонсой пиллачилик корхонаси

спортчилари стол тенниси баҳсларида, «Вилоятсувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси мини футбол беллашувларида зафар кундилар. Умумкоманда ҳисобида эса «Намангантекстиль» ҳиссадорлик жамияти биринчи ўринни эгаллади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



Ҳаётда фарзандлари камолоти, муваффақияти қувонтирадиган отадан-да бахтиёрроқ инсон бўлмаса керак. Зангиота тумани Хонобод кишлоғидаги Бурхоновлар хонадон сардори Саидқосим аканинг қалбида ана шундай қувонч гулшани мавж урган. Нега ҳам қувонмасин! Хар икки ўғли эл назарига тушган спортчи. Саидқосим ва Саидлазизларнинг шарқ яққакурашининг қаратғ оламиди қатта доворни забт этишида шубҳасиз отаси Саидқосим аканинг улуши юксак. Чунки, кўпинча, ҳаётини спортга бағишлаган инсонлар ўз авлодиға ушбу шарафли йўл давомчилари бўлишни тавсия этишади ёки бўлмаса, халқ тилида айтганда, қонида бўлгандан кейин фарзандларнинг ўзлари шу йўлни танлашади.

ОТА ИЗИДАН

Каратэ бўйича ака-ука чемпионлар хонадониди

Ёшлик пайтидаёқ эркин кураш бўйича машғулотларда суяги қотган Саидқосим ака пайқади. Акасининг ижозати билан хиянларини Авиасозлар шаҳарчасидаги «Олимпия» спорт залидаги каратэ тўғрағига етаклаб борди. Чинакам истеъод пайдо бўлса, у меҳнат ила рўёбга чиқиши бор гап экан. Видеотасмаларда акс этирилган, ҳақиқат, адолат учун ёвуз кулларға қарши турган курашчининг оғир жангларда голиб чиқиши мурғак қалбарда мардлик, жасорат ва матонат каби хислатларни пайдо қилганди. Ака-укадаги ушбу фазилатларни шакллантириш, камол топтиришда жаҳон чемпиони, 5

лаб ўтказилган халқаро турнир голиби, Чимкентда ўтказилган халқаро мусобақанинг совриндори, «Қорбобо соврини» беллашувлари пешқадами бўлиш шарафига муяссар бўлди. Ёш авлодни жисмоний ва маънавий камолот сари етаклаётган «Соғлом авлод йили»да у муваффақиятларини Ўзбекистон чемпиони, «Ёш куч» клуби очик чемпионатининг олтин медали соҳиби, МДХ кубоғи баҳсларида бронза медали эгаси бўлиш билан бойитди. 17 ёшли «кўк белбоғ» соҳиби Саидлазиз пойтахтимиздаги Ижтимоий-таъминот коллежи ҳуқуқшунослик факультетининг 2 курс талабаси. У келажакда отаси изидан бормоқчи.



Кенжатоё Саидлазиз ҳам талай ютуқларни кўлга киритган. 15 ёшли спортчи тўрт йилдики, республикамиз ўсмирларининг чемпионатида ўз вазнида биринчи ўринни ҳеч кимға бермай келаетир. Шунингдек, унинг халқаро мусобақалардаги ютуғи ҳавас қилса арзигулик. 1998 йил Одессада ўтган «Тигренок-карата» халқаро турнири голиби, кейинги йилларда АҚШ ва Австралиядаги жаҳон биринчиликлари чемпиони, Венгрияда ўтказилган жаҳон кубоғи баҳсларида кумуш медал эгаси бўлди.

Унинг ўтган йили 1 ДАН «қора белбоғ» соҳиби бўлиши Бурхоновлар хонадониди байрамға айланаб кетди.

— Фарзандларимни ҳеч эринмай доимий назоратда тутаман. Аввало спортға бўлган кучли меҳрини, қолаверса, ҳа, деган тугға мадад деганларидек, ўғилларимға далда бериш илинжиди эринмай ўғилларим қатнашадиган мусобақаларға етиб боришға ҳаракат қиламан, — дейди Саидқосим ака. — Ҳеч бир ота-она ўз фарзандлари келажакда бефарқ бўлмастлиги лозим. Халқимиз бежиз айтмайди, нима эксанг — шуни ўрасан, деб. Шу маънода Саидқосим акаға ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

ДАН қора белбоғ соҳиби Х. Хўжамқуловнинг тарбияси асқотди. Тан олиш керак, бугун каратэ оммавий тус олган мамлакат вакиллари юртдошларимиз муваффақиятларидан ҳайратдан ёқа ушламоқдалар. Дастлабки машғулотлардаёқ, Ватан шаънини дунёга тараннум қилиш иштиёқида астойдил тер тўккан ака-уканинг ниятлари ҳолис экан. Улар тез орада республика миқёсидаги турнирлар ва биринчиликларда ишончли галабаларға эришиб мутахассислар назарига тушдилар. Республика терма жамоасида мустаҳкам ўрин олган икковлон халқаро майдонда ҳам ўзларини кўрсатишди. Саидлазиз Соғлом авлод йили арафасида бир неча бор республикамиз чемпиони, уч қарра Саидқосим ва Саидлазизларда каратэға бўлган қизиқиш орта бошла-

ШАХМАТЧИМИЗ 13-ЎРИНДА

Сўнгги йилларда ватанимиз спортчилари эришаётган ютуқларда шахматчиларимизнинг ҳам муносиб улуши бор. Айниқса, истеъодли шахматчи Рустам Қосимжоновнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда кўлга киритаётган натижаларидан ҳар қанча фахрлансанг арзийди. Яқинда Бутунжаҳон шахмат федерацияси дунёнинг энг кучли шахматчилари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, шахматчимиз 2681 очко билан ўн учинчи ўринни эгаллаб турибди. Россиялик таниқли шахматчи, собиқ жаҳон чемпиони, гроссмейстр Анатолий Карпов эса вакилимиздан бор-йўғи бир поғона юқори ўринда. Унинг ҳисобида 2690 очко бор.

Яна бир гроссмейстримиз Александр Ненашев 2642 очко тўплаб 41 ўринни банд қилган. «Ақл ўйини» соҳиблари рўйхатини эса 2849 очко билан Гарри Каспаров бошқариб бормоқда.

Саҳифани Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.



Олтинкўл туманидаги Миробод маҳалласида белбоғли кураш бўйича хотира турнири бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистондан 400 га яқин полвонлар иштирок этишди.

Маҳалла аҳли, «Туркистон» жамоа ҳўжалиги ва «Полвон» хуусий спорт клуби муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.000 нуска. Сотува эркин нарҳда. «Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона маъналий «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишға топшириш вақти - 21.00